



92

140704, Ishtixon shaxri, Ishtixon kuchasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 18 у.г. « 9 » Ноебр

№ 3077-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

“Янгиер мевалари экспорти” масъулияти чекланган жамиятига янги экспорт боп узумзор, боғзор ва ёнғокзорлар барпо қилиш учун 40,31 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ер кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 15 ноябдаги 01-03-10-46 сонли “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, 2013 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сон, «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон ва «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 6 ноябрдаги ПҚ-3377-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 20-моддаси ҳамда “Янгиер мевалари экспорти” масъулияти чекланган жамияти раҳбари И.Қаршибоевнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини ва туманда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2018 йил 5-ноябрдаги хулосасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
2. “Янгиер мевалари экспорти” масъулияти чекланган жамиятига “Кўрлисой мадаккори” агрофирма худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 60-58-21-26-29-34-27-97-93-95-рақамли контурлардаги жами 40,31 гектар шундан лалми ҳайдаладиган ер 27,0 гектар, узумзор 7,48 гектар, яйлов ер 5,68 гектар ер майдонлари доимий фойдаланил ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. “Янгиер мевалари экспорти” масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 41,16 гектар шундан лалми ҳайдаладиган ер 27,0 гектар, узумзор 7,48 гектар, яйлов ер 6,53 гектар ер майдони деб белгилансин.
4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.
5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
5. Туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га мазкур “Янгиер мевалари экспорти” масъулияти чекланган жамиятини молиявий фаолияти устидан назорат ўрнатиш солиқ ва бошқа меёрий туловларини тартибга солиш юклатилсин.
6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.
7. Мазкур қарорни тасдиғи ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясидан сўралсин.

Туман ҳокими:  Ш.Негматов